

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ ВА МЕНЕЖМЕНТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга тавсия этилди”

**“Иқтисодиёт” кафедраси
муdiri, в.б., и.ф.н.**

_____ **Ш.А.Султонов**

**“Иқтисодиёт” кафедраси мажлиси
баённомаси № __ 2014 йил “__” __**

**“Иқтисодиёт” таълим йўналиши
Ик-110 гуруҳ талабаси Хамидов Алишернинг**

**“ЧЕЛАК САВДО СЕРВИС” МЧЖНИНГ ФОЙДАСИ ВА
РЕНТАБЕЛИГИНИНГ ТАҲЛИЛИ**

МАВЗУСИДАГИ

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Ии раҳбари: И.ф.н,
доцент Э.Ш.Шавқиев**

САМАРҚАНД – 2014

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-5
I боб Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналари фойдаси ва рентабеллиги моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти.....	6-22
1.1. Савдо корхонаси фойдасининг моҳияти, турлари, шаклланиши ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниклаш усуллари.....	6-12
1.2. Савдо корхонаси рентабеллигининг моҳияти, кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар.....	12-18
1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарида фойда ва рентабелликни таҳлил қилишнинг аҳамияти.....	19-22
II боб “Челак савдо сервис” МЧЖнинг фойдаси ва рентабеллиги ҳолатининг таҳлили.....	23-41
2.1. “Челак савдо сервис” МЧЖнинг хўжалик фаолиятининг тавсифи.....	23-30
2.2. “Челак савдо сервис” МЧЖнинг фойдаси таҳлили.....	31-37
2.3. “Челак савдо сервис” МЧЖ рентабеллиги таҳлили.....	37-41
III боб Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида “Челак савдо сервис” МЧЖ фойдаси ва рентабеллигини ошириш йўллари.....	42-57
3.1. “Челак савдо сервис” МЧЖ фойдаси ва рентабеллигини ошириш йўллари.....	42-49
3.2. “Челак савдо сервис” МЧЖ да меҳнат муҳофазаси ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари.....	49-57
Хулоса.....	58-60
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61-62

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар — иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш асосида узлуксиз иқтисодий ўсишни таъминлашга ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Бунга эришиш мақсадида мамлакатда сифат жиҳатидан янги бозор муносабатлари шакллантирилмоқда ва кескин тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари, ... юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган¹.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган ушбу долзарб вазифани амалга ошириш учун барча хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигини ва рентабеллилигини таъминлашлари ва хўжалик фаолияти самарадорлигини узлуксиз ошириб боришлари талаб қилинади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида савдо корхоналарининг молиявий барқарор фаолият кўрсатишларида — мавжуд ресурсларни оқилона бошқариш, молиявий менежмент ишларини тўғри йўлга қўйиш, бор моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатишни ташкил этиш, натижада юқори фойда олиб, давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, резервлар ташкил этиш долзарб вазифалардан саналади. Ушбу вазифаларни ечиш учун савдо корхоналари иқтисодий ҳолатини мунтазам ўрганиш, рўй бераётган ўзгаришларни таҳлил этиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш, улар фойдасини ошириш ва рентабеллигини таъминлаш зарурати туғилади.

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.-1 б.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари чуқурлашуви натижасида савдо корхоналари фойда ва рентабеллик ҳолатига объектив баҳо беришнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Республикамиз иқтисодиётида алоҳида ўринга эга бўлган савдо соҳасининг етакчи буғуни ҳисобланган чакана савдо корхоналари фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили савдо соҳасининг келгуси тараққиёти учун зарур чора-тадбирларни асослашда янада аҳамиятлидир. Буларнинг барчаси танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Савдо корхоналарида фойда ва рентабелликнинг иқтисодий мазмуни ва уларнинг таҳлили бўйича назарий муаммолар иқтисодчи олимлардан И.Т.Абдукаримов², Л.И.Кравченко³ А.М.Фридман⁴, Б.А.Абдукаримов⁵, М.М.Мухаммедов⁶, Н.Қ.Йўлдошев⁷ ва М.Қ.Пардаев⁸ лар томонидан тадқиқ қилинган.

Битирув малакавий ишнинг мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналари фойдасини ошириш, рентабеллигини таъминлаш ва уларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари. Битирув малакавий ишнинг мақсадига эришиш учун унинг олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- савдо корхонасида фойда ва рентабелликнинг моҳиятини очиб бериш;
- савдо корхонасида фойда ва рентабелликка таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

² Абдукаримов И.Т ва бошқ. Матлубот кооперациясининг хўжалик фаолиятини анализ қилиш. Т.: “Ўқитувчи”, 1989.

³ Кравченко Л.И. Анализ хозяйственной деятельности в торговле. Мн.: Вышэйная школа, 1995.

⁴ Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. – М.: «Дашков и К°» 2008.

⁵ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2010.

⁶ Мухаммедов М.М и др. Экономика торговли. Самарканд. 1998.

⁷ Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2005.

⁸ Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011.

- «Челак савдо сервис» МЧЖ фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- «Челак савдо сервис» МЧЖ фойдаси ва рентабеллиги таҳлилида қўлланиладиган кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш;

- «Челак савдо сервис» МЧЖ фойдасини ошириш ва фаолият рентабеллигини таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишнинг объекти – “Челак савдо сервис” МЧЖ ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши: Битирув малакавий иш кириш, тўртта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати иборат бўлиб ҳажми 62 бетни ташкил қилади.

I-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналари фойдаси ва рентабеллиги моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти

1.1. Савдо корхонаси фойдасининг моҳияти, турлари, шаклланиши ва уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниклаш усуллари

Давлатимиз бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида, миллий иқтисодиётнинг барча соҳаларига бозор муносабатларининг сингиб бориши ва уларнинг амалиётда кенг миқёсда қўлланилиши савдо корхонларида фойда категориясининг ҳам ҳақиқий мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишни тақозо этди.

Мамлакатимизда савдо соҳасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва таҳлил қилиш, савдо соҳасида қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларни баҳолаш учун зарур бўлган билимлар даражасини бойитиш ва иқтисодий тафаккурлаш даражасини ошириш учун аввало савдо корхонларида фойда назариясини чуқур ўрганиш лозим.

Ҳозирги замон иқтисодиёти шароитида фойда корхоналар хўжалик фаолиятининг натижаларини ифодаловчи, шунингдек, уларнинг мақсадини белгилаб берувчи асосий кўрсаткичлар саналади. Фойда хўжалик юритувчи субъектларнинг макон ва замонда фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг асоси (негизи) ҳисобланади. Бу ўзининг савдо-хўжалик фаолияти учун тўлиқ моддий жавобгарликни зиммасига олган корхоналарнинг асосий мақсади – истеъмолчилар талабини қондириш орқали товар айланмаси ҳажмини кўпайтириш ва максимал даражада фойда олишдан иборатлиги билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётларда фойда билан боғлиқ бир қатор тушунчалар келтирилиб, турлича талқин этилган ва унга нисбатан турлича ёндашувлар борлигини кўриш мумкин. Иқтисодиётга тааллуқли, жумладан, савдо иқтисодиётига тааллуқли адабиётларда фойдани таърифлашда унга ялпи даромад ва муомала харажатлари ўртасидаги фарқ сифатида қаралиб

келинган⁹. Бизнинг фикримизча, фойдага ялпи даромад ва муомала харажатларини фарқи, деб айтиш қийин. Чунки, савдо фаолиятида муомала харажатларидан ташқари унга кирмайдиган, лекин даромад ва товарлар қиймати ҳисобидан қопланадиган бошқа харажатлар ҳам мавжуд. Россиялик олим А.М.Фридман¹⁰ эса “**Фойда** – бевосита асосий ва айланма капиталдан, моддий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга боғлиқ бўлган бозор иқтисодиётининг муҳим категориясидир”, деб таъриф берган.

Мазкур масалада Ўзбекистонлик олимларнинг билдиришган фикрлари 1.1.1-жадвалда келтирилди.

1.1.1-жадвал

Фойда тушунчаси бўйича олимларнинг фикрлари

Муаллифлар	Тушунчанинг мазмуни
Ш.Ш.Шодмонов У.В.Ғофуров¹¹	Корхона пул даромадларидан сарфланган барча харажатлар чиқариб талангандан кейин қолган қисми фойда деб юритилади
А.Ўлмасов А.Ваҳобов¹²	Фойда бу капитал ва тадбиркорлик фаолияти учун улар соҳибига тегадиган пул мукофотидир
Э. Сариков, М.Маматов¹³	Фойда – корхонанинг даромади ва умумий харажатлари орасидаги мусбат айирма
Б.А.Абдукаримов¹⁴	Фойда - бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан қўшимча қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди
М.Қ.Пардаев¹⁵	Тадбиркорлик фаолиятининг фойдаси деганда, унинг ўз маҳсулотини (иши, хизматини) сотиш натижасида беосита ўз ихтиёрига қолган соф даромадининг бир қисми тушунилади
Н.Қ.Йўлдошев¹⁶	Фойда тадбиркорлик фаолияти натижасида олинувчи пул шаклида акс эттирилган соф даромад бўлиб, савдо корхонаси жами харажатлари ва даромадлари ўртасидаги фарқ сифатида қўлга киритилади.

⁹ Сребник Б.В. «Экономика торговли». Учебник, М.: «Высшая школа», 1989. 168 ст.; «Торговое дело: Экономика и организация». Учебник, коллектив авторов, М.: ИНФРА-М, 1997. – 124-ст.; Раицкий К.А. «Экономика предприятия», Учебник, М.: ИНФРА-М, 1999. – 460 ст.; Хейнс П. «Экономический образ мышления», Пер.с англ. М.: «Новости», 1991. – 312 ст.

¹⁰ Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник.-М.: Издательско-торговая корпорация. “Дашков и К°”, 2008.-517 с.

¹¹ Шодмонов Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: “Фан ва технология”, 2005. 352 б.

¹² Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: “Шарқ”, 2006. 169 б.

¹³ Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма.-Т.: “Шарқ”, 1997. 228 б.

¹⁴ Абдукаримов Б. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013. 271 б.

¹⁵ Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007. 123 б.

¹⁶ Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2005. 91 б.

Корхоналар фойдаси хусусида келтирилган бу таърифлардан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда ушбу категория тушунчасига назарий ва амалий жихатдан асосланган таърифни ишлаб чиқиш муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан фойда тушунчасига берилган таърифлар бир-бирига қарама-қарши эмас, аксинча уларнинг таърифлари бир-бирларини тўлдириб борган. Шу билан бирга келтирилган алоҳида таърифларни фойда тушунчасининг мазмун моҳиятини тўлиқ очиб берган, деб ҳам айта олмаймиз.

Савдо корхонаси фойдаси таърифига профессор Б.А.Абдукаримов батафсилроқ тўхталиб: “Фойданинг моҳияти уни иқтисодий табиатидан келиб чиккан ҳолда ёритиладиган бўлса, у қушимча қийматнинг пулдаги ифодасидир. Иқтисодиётда фойда товар қийматининг $(C+V+m)$ асосий элементларидан бири, яъни « m »-ни англатади. Ушбу назарий асосдан келиб чиқиб, савдо фойдасини савдо фаолиятида яратилган қушимча қийматнинг пулдаги ифодаси сифатида таърифлаш тўғри бўлади.

Демак, фойда савдо фаолияти қийматининг бир элементи, ушбу қийматнинг пулдаги ифодаси бўлиб, товар баҳосининг элементидир. Юқорида келтирилган қийматнинг классик формуласидан $(C+V+m)$ келиб чиқсак фойда - « m »да ифодаланади¹⁷.

Савдо корхонаси фойдасининг иқтисодий моҳияти унинг бажарувчи функциялари орқали тўлиқ акс эттирилади:

- тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади ва ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш омили;
- савдо-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш чораси;
- корхонанинг ривожланиши учун молиявий ресурслар манбаи;
- марказий ва маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини шакллантирувчи манба.

¹⁷ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2010. 353 б.

Фойданинг биринчи функцияси тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг асосий мотиви, унинг якуний мақсади корхона эгаларининг молиявий аҳволини яхшилаш эканлигига боғлиқ. Киритилган капиталга олинувчи даромад ҳажми бундай ўсишнинг тавсифномаси бўлиб, унинг манбаи корхона олувчи фойда ҳисобланади. Корхонанинг бошқа ходимлари учун ҳам фойда асосий мотив ҳисобланади, чунки у меҳнат ҳисобига қўшимча моддий мукофотларни таъминлайди ва бир қатор ижтимоий эҳтиёжларни қондиради.

Фойданинг иккинчи функцияси иқтисодий самарадорликни аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, у корхона фаолиятининг пировард натижаларини сарфланган харажатлар билан солиштириш воситасида унинг савдо-хўжалик фаолияти самарадорлигини тавсифлайди. Бошқа барча шартлар бир хил бўлганда жами харажатлар кўпроқ фойдани таъминласа ёки мазкур фойда миқдорига минимал харажатлар билан эришилганда корхона фаолиятини самарали ҳисоблаш мумкин.

Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олинishi мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг умумхўжалик фойдасини ташкил қилади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- товар (маҳсулот) сотиш ва кўрсатилган хизматдан олинган фойда;
- асосий фондлар, шунингдек, корхонанинг бошқа мулкани сотишдан олинган фойда;
- корхонанинг молиявий фаолияти орқали олинувчи фойда.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Корхонанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан кўп бўлишини англатади ҳамда у рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги, даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Корхонанинг умумхўжалик фойдаси тақсимлаш объектидир. Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади. Қонунчиликка асосан фойданинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида бюджетга келиб тушувчи қисми тартибга солинади.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;
- фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;
- солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхона ихтиёрида қолувчи соф фойдадан фойдаланиш йўналишлари корхона зиммасида бўлади.

Корхона тасарруфида қолувчи соф фойдадан фойдаланишнинг асосий йўналишлари унинг таъсис ҳужжатлари ва таъсисчилар қарорларида белгилаб берилади. Уни тақсимлаш тартиби корхонанинг қайси мулкга оид эканлигига боғлиқ.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши шароитида корхона соф фойдасининг тақсимоли ўзига хос хусусиятларга эга. Бунга корхонанинг мулк шакли таъсир этади.

Соф фойда тақсимоли қуйидаги кўринишларда бўлади:

- акционерлик жамиятида дивидентлар тўлашга ва резерв капиталига ажратма қилинади. Унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида жамият ихтиёрида қолади ва корхона фаолиятини ривожлантиришда (асосий

фондларни кенгайтиришда ва айланма маблағларни шакллантиришда) қатнашади;

- қўшма корхонада резерв капиталига ажратма қилинади, унинг уставига мувофиқ таъсисчилр ўртасида тақсимланади ёки таъсисчилар қарорига биноан корхона фаолиятини ривожлантиришга ишлатилади;

- хусусий корхоналарда резерв капиталига ажратма қилинади ва унинг қолган қисми тақсимланмаган фойда кўринишида корхона фаолиятини ривожлантиришда иштирок этади;

- давлат корхоналарида резерв фондига ажратма қилинади, қолган қисми эса Устав фондига қўшилади. Маълумки, корхона Устав фонди унинг асосий ва айланма фондларини шакллантиришда муҳим манба ҳисобланади¹⁸.

Заҳира фонди – ҳисобот йили учун корхонанинг ноишлаб чиқариш харажатларини қоплаш, шунингдек, ҳисобот йилида етарли маблағ бўлмаган ҳолларда иштирокчилар учун даромад (имтиёзли акция соҳибларига дивиденд) тўлашга мўлжалланади.

Савдода фойда асосан товарларни сотишдан келади ва у товарларни сотишдан олинган ялпи даромадларга бюджетдан копланадиган айрим харажатларни кушиш ва улар суммасидан муомала харажатларини айриш йули билан аникланди.

Корхона фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади (1-чизма):

¹⁸ Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013, 274-б.

**Хўжалик юритувчи субъектлари фаолиятининг молиявий натижалари
(фойда)нинг кўрсаткичларини аниклаш усуллари**

Кўрсаткични номи	Аниклаш усули ва кўрсаткичларни белгиси
I. Махсулотни сотишдан олинган ялпи фойда (ЯФ)	ЯФ=ССТ-ИТ <i>ССТ</i> -сотишдан олинган соф тушум; <i>ИТ</i> -сотилган махсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи
II. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (АФФ)	АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ; <i>ДХ</i> -давр харажатлари; <i>БД,БЗ</i> -тегишлича асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва зарарлар
III. Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ)	УФ=АФФ+МД-МХ; <i>МД,МХ</i> -тегишлича молиявий фаолиятдан даромадлар ва харажатлар
IV. Солиқ тўлангунгача олинган фойда (СТФ)	СТФ=УФ+ФП++ФЗ; <i>ФП,ФЗ</i> -тегишлича фавкулотда фойда ва зарар
V. Соф фойда (СФ)	СФ=СТФ-ДС-БС; <i>ДС</i> -даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ; <i>БС</i> -бошқа солиқлар ва тўловлар

Демак, фойда корхона хўжалик фаолиятидан олинган даромадларнинг харажатлардан ортиқ бўлганлигидан, яъни ижобий молиявий натижага эришилганидан дарак беради.

1.2. Савдо корхонаси рентабеллигининг моҳияти, кўрсаткичлари ва унга таъсир этувчи омиллар

Иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатни модернизациялаш ва бозор муносабатларини такомиллаштириш шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар сингари савдо корхоналарини ҳам рентабелли фаолиятини таъминлаш мақсадга мувофиқ. Зеро бу кўрсаткичнинг яхшиланиши меҳнат жамоасининг, мулк эгасининг ва давлат манфаатларига мос келади. Чунки мазкур кўрсаткич қанча баланд бўлса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг самарадорлиги ўшанча юқори эканлигидан далолат беради.

Фойда ҳажмининг катта ёки кичиклиги савдо корхонаси фаолиятига баҳо беришнинг асосий меъзони бўла олмайди. Шунинг учун ҳам фойданинг даражаси яъни хўжалик фаолиятининг рентабеллиги аниқланади.

Рентабелликни аниқлаш нафақат хўжалик юритувчи субъектлар умумхўжалик фаолиятига, балки унда фойдаланилаётган ресурслардан фойдаланиш даражасига ҳам баҳо беришда муҳим ҳисобланади.

Рентабеллик ҳар қандай хўжалик субъектининг, жумладан, савдонинг жуда муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичда савдо корхона (шаҳобча)ларини даромади, харажатларини, товар айрибошлаш, меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичлар ҳолати ўз аксини топади. Рентабеллик микдорига қараб савдо фаолиятига, унда ресурслардан фойдаланиш самараси, фаолият тежамлими ёки йўқми каби ҳолатларга баҳо берилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар рентабеллиги мазмун-моҳиятига янгича ёндашувни тақозо қилмоқда.

Умуман олганда «рентабеллик» сўзининг мазмунига иқтисодий адабиётларда турлича таърифлар келтирилган. Жумладан, мустақилликнинг дастлабки йилларида чоп этилган “Иқтисодиёт ва бизнес асослари” номли ўқув қўлланмада “**рентабеллик** - тармоқ ёки корхоналарнинг фойда олиб ишлаши; фойда олиш даражасини кўрсатади. Фоиз ҳисобида ифодаланади”¹⁹, деб таъкидланган, А.Ўлмасов ва А.В.Ваҳобовлар “**Рентабеллик** тадбиркорлик фаолияти унга қилинган сарфга нисбатан нақадар фойда келтириши бўлиб, унинг самарадорлигини билдиради”²⁰, деб таъриф берган бўлсалар, институтимиз олимлари Б.А.Абдукаримов, Э.Ш.Шавқиев, М.Қ.Пардаев, А.Бектемиров, Ш.С.Салимов ва Ф.Б.Абдукаримовлар томонидан чоп этилган “Корхона иқтисодиёти” дарслигида эса “**Рентабеллик** - корхоналар тижорат ҳисоби фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларидан биридир. Фойдалалик ишлаб чиқариш фаолиятининг маълум муддати (йил, чорак) давомида сердаромадлик (зарар келтирмаслик) хусусиятини англатади. У хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини тўғри баҳолашга ва корхонадаги мавжуд ресурслардан

¹⁹ Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: “Шарқ”, 1997. 224 б.

²⁰ Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: “Шарқ”, 2006. 173 б.

самарали фойдаланишнинг иқтисодий манфаатдорлигини йўлга қўйишга имкон беради”²¹, деб таърифланган. Шу туфайли ҳозирги бозор муносабатлари шароитида рентабеллик тушунчасини иқтисодий моҳиятини ёритиш, уни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилиш йўллари ишлаб чиқиш ўта муҳим муаммолардан биридир.

Ҳозирги кунгача чоп этилган иқтисодий адабиётларда²² рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича олимлар бир тўхтамга келмаганлар. Натижада рентабеллик кўрсаткичларини аниқлаш ва таҳлил қилиш бўйича ҳозиргача турли фикрлар мавжуд бўлиб қолмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг шарҳида рентабелликни ифодалаш учун қуйидаги кўрсаткичлар тавсия қилинган: барча активлар рентабеллиги, хусусий капиталнинг рентабеллиги, сотилган маҳсулот рентабеллиги, битта акциянинг рентабеллиги.

Тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятини баҳолашда ушбу кўрсаткичлар албатта жуда муҳим аҳамиятга эга. Аммо фойданинг вужудга келиши ва рентабелликнинг шаклланишида ҳисса қўшадиган барча омишлар ушбу кўрсаткичлар тизимида ўз аксини топмаган. Масалан, корхона фаолиятида, хусусан фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг шаклланишида корхонадаги меҳнат салоҳиятининг роли катта. Аммо бу кўрсаткич номи зикр этилган шарҳда эътибордан четда қолган. Шу билан боғлиқ бўлган яна бир қанча кўрсаткичларни, яъни корхонанинг иқтисодий ва молиявий салоҳияти кабилар ҳам ушбу тавсияда ўз ифодасини топмаган²³.

²¹ Абдукаримов Б. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик -Т.:“Фан ва технологиялар”, 2013. 275-276 б.

²² Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил.-Т.: “Меҳнат”, 2000; Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007.

²³ Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007, 131 б.

Бизнинг фикримизча, иқтисодий кўрсаткичларга корхонанинг бутун иқтисодиёти нуктаи назаридан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ана шу талаблардан келиб чиқиб рентабеллик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш лозим.

Савдо корхоналари амалиётида фаолият самарасини баҳолашда, уни таҳлил қилишда ва режалаштиришда, асосан товарларни сотиш рентабеллиги кўрсаткичи ишлатилади. Ушбу кўрсаткич амалда соф фойдани 100,0 га купайтириб товар айланиш суммасига (ТА) бўлиш орқали аникланади.

Бугунги кунда савдо корхоналарининг рентабеллик кўрсаткичлари ҳам иқтисодий адабиётларда етарлича ёритилмаган²⁴.

Институтимиз профессори Б.А.Абдукаримов савдо корхоналарида рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини корхонанинг бутун иқтисодиёти нуктаи назаридан ёндашиб ишлаб чиққан²⁵. Олимнинг фикрича фойдани шаклланишини янги тартибидан келиб чиққан ҳолда, «товарларни сотиш рентабеллиги» ёки «товар айланиш рентабеллиги» (Рта) (бу иккала маънони синоним сифатида ишлатмоқдамиз) қуйидагича аниклаш мақсадга мувофиқдир.

$$P_{TA} = \frac{[CCT - IT] - Mx}{TA} \cdot 100,0$$

Рентабелликни таҳлил этиш жараёнида кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш лозим. Улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- товар айланиши ҳажми (ТА) ва таркиби (ТА_{i-n}), сўмда;
- сотишдан олинган ялпи даромад (ЯД), сўмда;
- товарларни сотишдан олинган ялпи фойда (ТСЯФ), сўмда;
- асосий фаолиятдан қўрилган фойда (АФФ), сўмда;
- умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (УФ), сўмда;

²⁴ Йўлдошев Н.Қ. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2005.; Пардаев М.Қ., Очилов И.С.Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011.

²⁵ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2010. 356-358 б.

- солиқ тўлангунча олинган фойда (СТФ), сўмда;
- соф фойда (СФ), сўмда;
- муомала харажатлари (Мх), сўмда;
- муомала харажатларини даражаси (Умх), %;
- асосий фондларни ишлатилиши рентабеллиги ($АФ_{и.р}$) ва даромадлилиги ($АФ_{и.д}$), %.

Бу кўрсаткичлар куйидагича аникланиши мумкин:

$$АФ_{и.р} = \frac{УФ \cdot 100}{А}; \quad АФ_{и.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{А}$$

Бу ерда: А – асосий фондлар амортизацияси суммаси.

- айланма маблагларни рентабеллиги ($Рай_{.м}$) ва уларни даромадлилиги ($Рай_{.д}$), %.

Бу кўрсаткичлар куйидагича аникланади:

$$Р_{ай.м} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{АйМ(\bar{З})}; \quad Р_{ай.д} = \frac{ЯД \cdot 100}{АйМ(\bar{З})}$$

Бу ерда: Ай.М - ўртача айланма маблаглар суммаси;

$\bar{З}$ - ўртача товар захиралари суммаси.

- ишчи-ходимларни рентабеллиги ($Ри.х$) ва даромадлилиги ($Ри.д$), коэффициентларда. Ушбу кўрсаткичларни куйидагича аниклаш тавсия қилинади:

$$Р_{и.х} = \frac{УФ}{\bar{Х}}; \quad Р_{и.д} = \frac{ЯД}{\bar{Х}}$$

Бу ерда: $\bar{Х}$ - ходимларни йиллик ўртача сони, киши.

- муомала харажатларини рентабеллиги ($Мх.р$):

$$М_{х.р} = \frac{ТСЯФ \cdot 100}{Мх};$$

Бу ерда: Мх- муомала харажатлари суммаси.

- иш хаки фондини рентабеллилиги (Их.ф.р.) коэффициентда ёки %.
- Булар тегишлича куйидагича ҳисобланади:

$$I_{x.ф.p} = \frac{УФ}{I_{x.ф}}; \quad I_{x.ф.p} = \frac{УФ \cdot 100}{I_{x.ф}}$$

Фойда корхонанинг натижавий кўрсаткичи бўлганлиги сабабли унга кўп сонли ташқи (савдога боғлиқ бўлмаган) ва ички омиллар таъсир қилади.

Ташқи омилларга куйидагиларни киритиш мумкин:

- сиёсий барқарорлик;
- иқтисодиётнинг ҳолати;
- демографик ситуация;
- бозор конъюктураси, жумладан истеъмол товарлари бозори;
- инфляция даражаси;
- кредит буйича банк фоизлари;
- бахони миқдори;
- тарифлар, тўловлар ва бадаллар миқдорлари.

Ички омилларга куйидагилар киради:

- савдо устамалар миқдори (сотишдан олинган даромад);
- муомала харажатлари миқдори;
- товарларни силжитиш каналлари;
- меҳнат унумдорлиги;
- товар айрибошлаш тезлиги (кунлар ва маротабаларда);
- ўз маблағларининг миқдори;
- асосий фондлардан ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш ва бошқалар.

Лекин, шундай омиллар ҳам борки, улар корхона фойдасига жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, савдо корхонасининг фойдаси ҳажми бевосита аҳоли пул даромадига боғлиқ. Аҳоли пул даромади

қанча кўп бўлса аҳолининг шунча товарларни харид қилиб олиш имкони бўлади ва аксинча.

Яна бир мисол, корхона мутахассислари ва раҳбарларининг билиб-билмай давлатнинг қонунларини, қарорларини ва бошқа меъерий ҳужжатларда келтирилган кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида тўланиши керак бўлган маблағларга яна қўшимча катта миқдорда жарималар, неустойкалар, фоизлар тўланиши мумкин. Бу харажатлар кўзда тутилмаган харажатлар бўлиб корхонанинг оладиган фойдасини сунъий равишда камайтиради. Ушбу гуруҳ омилларига яна бирқанча мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўз вақтида солиқ тўламаганлиги туфайли катта жарима тўлашлик. Ўз вақтида чорасини кўрмасдан муддати ўтган дебиторлар ва умидсиз дебиторларнинг пайдо бўлиши каби бирқанча омиллар корхона фаолиятдан оладиган фойдасига жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу туфайли бу масалаларга корхона раҳбарлари, мулк эгалари алоҳида аҳамият беришлари лозим.

Кўриниб турибдики, корхонанинг фойда ва рентабеллигига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Аммо, шуни эътироф этиш керакки шу омилларнинг натижа ўзгаришига таъсири фақат иқтисодий таҳлилда аниқланади.

1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналарида фойда ва рентабелликни таҳлил қилишнинг аҳамияти

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларнинг асосида иқтисодиёт ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш жараёнларининг ўрни бекиёс ҳисобланади.

Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидаги корхоналарнинг техник-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бироқ, айрим корхоналарнинг фаолияти ривожланиш ўрнига аксинча банкротликка учрашиши кузатилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда” номли асарида “Иқтисодиётни эркинлаштириш – хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз фаолияти учун иқтисодий ва молиявий масъулиятини ошириш демакдир”²⁶ деб таъкидлади. Энди ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини тегишли моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари ҳамда илғор технология кабилар билан ўзлари таъминлайди. Товарини (иш, хизматини) ўзлари сотади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш бир томондан савдо корхоналарининг мустақил фаолияти учун катта имконият яратиб берса, иккинчи томондан, уларнинг масъулиятини янада оширади. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг иқтисодий эркинлиги, ходимлар масъулиятининг ошганлиги ҳам фаолиятни чуқур таҳлил қилишни тақозо этади.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодий эркинликни тўлиқ жорий қилиш учун ҳамон одамлар руҳиятида, ҳатто айрим раҳбарларимизда ҳам, боқимандалик кайфиятининг асоратлари сақланиб қолган. Мамлакатимизда қабул қилинган ва қиланаётган барча қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар эркин иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган бўлишига қарамасдан уларнинг айримлари ҳаётда ишлатилмаяпти. Чунки, одамларнинг иқтисодий эркинликка етарли даражада кўникма ҳосил қилиши қийин кечмоқда. Шу туфайли Юртбошимиз: “Эркинлик, тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шароит яратиш зарур”²⁷, деб таъкидлади.

Режали иқтисодиёт шароитида хўжалик фаолияти таҳлилини ташкил қилиш тизимида, асосан, режанинг бажарилиши ва унга таъсир қилувчи

²⁶ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 37 бет.

²⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 37 бет.

омилларни давлат нуқтаи назаридан кўриб чиқиларди. Эндиликда эса таҳлилнинг мазмуни, шакли ва ўтказиш усуллари тубдан ўзгарди. Ҳозирги мамлакатни модернизациялаш шароитида таҳлил, энг аввало мулкдорлар томонидан ўтказилиб, унинг манфаатига хизмат қилади. Бу ерда меҳнат жамоаси ва давлат манфаатларининг уйғунлиги таъминланиши лозим. Шу нуқтаи назардан савдо корхоналари хўжалик фаолияти таҳлилини янги талабларга мос ҳолда шакллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, бозор механизмнинг такомиллашиши, ислохотларнинг тобора чуқурлашиб бориши ҳар бир иқтисодий жараёни чуқур таҳлил қилишни тақоза қилмоқда. Чунки, мулкдор иқтисодий жараёнда асосий субъект сифатида иштирок этади. У ўз мулкининг кўпайишидан, кўпроқ фойда олишдан манфаатдор. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунинг учун тадбиркорлик ва ақл билан иш кўриш лозим.

Хўжалик фаолияти таҳлилида корхона раҳбари ёки менежери савдо жараёнини батафсил ўрганиши лозим. Бунинг учун иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бундай кўрсаткичлардан бири фойда ва рентабеллик кўрсаткичларидир.

Савдо корхонасида фойда ва рентабеллик муҳим аҳамиятга эга, чунки у барча молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар негизини ташкил қилади. Аммо, хўжалик фаолиятининг пировад натижаси соф фойдага эришиш билан белгиланади. Шу туфайли иқтисодий таҳлилда соф фойдани ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдо корхоналарининг олдига товарларни истеъмолчиларга белгиланган миқдорда ва муддатда етказиб бериш, товарларни омборларда сифатли сақланишини ташкил этиш, харидорларни зарур товарларга бўлган талабини тезкор таҳлил қилиш, уларга замонавий сервис хизматлари кўрсатиш каби бир канча муҳим вазифалар қўйилади. Ушбу вазифаларнинг оғишмай бажарилиши савдо корхоналари

хўжалик фаолиятдан оладиган фойдасини доимий равишда таҳлил қилиш асосида қабул қилинган самарали бошқарув қарорларига боғлиқ бўлади.

Савдо корхонаси фойдаси ва рентабеллик тахлилининг асосий мақсади савдо корхонасининг ҳисобот даврида олган фойдасини миқдор ва таркибий жиҳатдан баҳолаш, уларнинг олдинги даврларга нисбатан ўзгаришига, мазкур кўрсаткичлар бўйича режа бажарилишига баҳо бериш, келгусида савдо корхонаси фойдасини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва корхона фаолиятининг рентабеллигини таъминлашдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун савдо корхонаси фойдаси ва рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили олдига бир қатор вазифалар қўйилади. Бизнинг фикримизча, ушбу вазифалар қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ✚ келгусида фойда ва рентабелликни режалаштириш учун тегишли ахборотлар билан таъминлаш;
- ✚ ҳисобот даврида олинган фойдани миқдор ва таркибий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- ✚ фойда ва рентабеллик кўрсаткичларининг сўнгги йиллардаги динамикасига баҳо бериш;
- ✚ фойдани кўпайтириш учун мавжуд ички ва ташқи имкониятларни ўрганиш;
- ✚ фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг таъсирини ҳисоблаш ва шу омилларни фойдани оширишга сафарбар қилиш ва бошқалар

Савдо корхоналари фойдаси ва рентабеллиги таҳлили бир томондан мазкур кўрсаткичлар бўйича режанинг бажарилишини ўрганса, иккинчидан хўжалик фаолиятини батафсил ўрганиб келгуси давр учун фойдани режалаштиришга тегишли ахборотларни тўплаб беради.

Савдо корхонасида фойда ва рентабеллик таҳлили мукамал бўлиши учун таҳлил мобайнида ушбу кўрсаткичлар олдинги йиллар билан

солиштирилиши, уларнинг сўнгги йиллардаги динамикаси ўрганиб чиқирилиши лозим. Фойда ва рентабелликнинг динамик таҳлили олдинги қабул қилинган бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш, шунингдек фойда кўрсаткичларининг кўпайиш тенденциясини белгилаб олиш имкониятларини яратади.

Фойда ва рентабеллик кўрсаткичларини режанинг бажарилишини ўрганиш билан боғлиқ. Мазкур кўрсаткичлар режасининг бажарилишини чуқур ўрганиш, шу орқали унинг фаолиятига объектив баҳо бериш ҳам таҳлилнинг муҳим вазифаси бўлиши керак.

Савдо корхонасида фойда ва рентабеллик режасини бажариш жараёнида турли хил омиллар таъсир қилиши ҳам мумкин. Таҳлил жараёнида шу омилларни аниқлаш ва ҳар бирининг таъсирини ҳисоблаш талаб этилади.

Фойда ва рентабеллик кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш йўли омилли таҳлил йўли билан амалга оширилиб, шу кўрсаткичларни ошириш, ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш ва уни келгуси давр учун сафарбар қилиш йўллариини ишлаб чиқиш имконини беради.

Бугунги кескин рақобат шароитида савдо корхоналарида ички имкониятларни ахтариб топиш ва уни ҳўжалик фаолиятига сафарбар қилиш таҳлил орқали амалга оширилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида савдо корхонасида фойда ва рентабеллик таҳлилининг асосий вазифаларидан бири уларга таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш орқали ички имкониятларни ахтариб топиш ва уларни фойдани оширишга сафарбар қилишдан иборатдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, таҳлилнинг вазифаси бугунги мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида ҳам, келажакда ҳам савдо корхоналари ҳўжалик фаолиятини узлуксиз яхшиланиб бориши учун иқтисодий дастак сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

II-БОБ. “Челак савдо сервис” МЧЖнинг фойдаси ва рентабеллиги ҳолатининг таҳлили

“Челак савдо сервис” МЧЖнинг хўжалик фаолиятининг тавсифи

“Челак савдо сервис” МЧЖ Самарқанд вилояти Пайариқ тумани, Челак шаҳри, Истиклол кўчаси, 132-уйда жойлашган. “Челак савдо сервис” МЧЖ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Челак “Матлуботсавдо” ишлаб чиқариш савдо кооперативи негизида ташкил этилган. Жамият Челак “Матлуботсавдо” ишлаб чиқариш савдо кооперативининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг асосий мақсади бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- аҳолини иш билан таъминлаш;
- аҳолининг халқ истеъмол, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларига бўлган эҳтиёжларини қондириш;
- жамият таъсисчилари билан биргаликда хўжалик юритиш;
- биргаликда қонуний фойда олишдан иборатдир.

“Челак савдо сервис” МЧЖ нинг устав жамғармаси 1 000 000 000 сўмдир ва таъсисчилар ўртасида қуйидагича тақсимланади 1-жадвал:

1-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖ нинг устав фонди²⁸

№	Таъсисчиларнинг номи	Суммаси, минг сўм	Улуши, % ҳисобида
1	Вилоят “Таъминотсавдо” ассоциацияси	550 000 000	55,0
2	Хўжалик ҳисобидаги Молия марказига	223 200 000	22,32
3	“Авто Бинокор Сервис”	1 000 000	0,1
4	Жисмоний шахсларга	225 800 000	22,58
	Жами	1 000 000 000	100,0

²⁸ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг устави асосида ҳисобланди

“Челак савдо сервис” МЧЖга қарашли 12 та дўкон мавжуд. Улар дўконлар Челак шаҳри атрофидаги бир қанча қишлоқлар аҳолисига халқ истеъмоли товарларини чакана савдосини ташкил этиш билан шуғулланади.

Дўконлар сони сўнгги 5 йил ичида ўзгармаган. “Челак савдо сервис” МЧЖ да дўконлар сонини оширишга эмас балки уларда сотилаётган товарлар ассортиментини кўпайтиришга ҳаракат қилинган. Натижада озиқ-овқатлар савдосининг улуши кейинги 2 йилда 4,9 фоизга ва нооziқ-овқатлар савдосининг 1,1 фоизга ортган. Буни биз қуйидаги 2-жадвалда кўришимиз мумкин.

2-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖнинг 2012-2013 йиллардаги товар айланмаси таркибининг таҳлили²⁹

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати (%)
1	Жами чакана товар айланмаси, минг сўм	2543261,9	2685390,6	142128,7	105,6
	Шу жумладан				
2	Озиқ-овқатлар, минг сўм	1607341,5	1686425,3	79083,8	104,9
3	Озиқ-овқатларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши, %	63,2	62,8	-0,4	99,4
4	Нооziқ-овқатлар, минг сўм	935920,4	998965,3	63044,9	106,7
5	Нооziқ-овқатларнинг жами чакана товар айланмасидаги улуши, %	36,8	37,2	0,4	101,1

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Челак савдо сервис” МЧЖ да чакана савдо фаолияти йил сайин ривожланиб бормоқда. Унинг товар айланмаси ҳажми ҳам ўсиб бормоқда. 2013 йилда жами чакана товар айланмаси 2012 йилга нисбатан 142128,7 минг сўмга ёки 5,6 фоизга ортган.

²⁹ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

Бу албатта ижобий ҳолатдир. Чунки чакана товар айланмаси ҳажмининг ортиши “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг савдо ва хўжалик фаолияти яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Бундан ташқари “Челак савдо сервис” МЧЖ товар айланмаси таркибида ҳам ижобий ўзгариш бўлаётганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, “Челак савдо сервис” МЧЖ товар айланмаси таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улушининг камайиши мос равишда ноозиқ-овқатлар улушининг ортиши кузатилган.

2013 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари товар айланмаси 1686425,3 минг сўмни ташкил этиб, 2012 йилга нисбатан 79083,8 минг сўмга ёки 4,9 фоизга кўпайганлигига қарамай уларнинг жами корхона чакана товар айланмасидаги улуши 63,2 фоиздан 62,8 фоизгача пасайган. Бундай камайганлигига асосий сабаб қилиб, чакана товар айланмаси таркибида ноозиқ-овқат товарлари улушининг кўпайганлигини айтиб ўтишимиз мумкин. Яъни 2013 йилда ноозиқ-овқатлар чакана товар айланмаси 2012 йилга нисбатан 6,7 фоизга ёки 63044,9 минг сўмга кўпайиб 998965,3 минг сўмни ташкил этган. Мос равишда ноозиқ-овқатлар товар айланмасининг улуши 37,2 фоизга етган.

Корхонанинг фаолиятини юритиши учун активлар шакллантирилган бўлиши керак. Активлар орасида бизлар асосий фондаларни таҳлилидан бошладик (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

-корхонада соф фойданинг 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 12884,7 минг сўмга кўпайиши натижасида асосий фондларнинг рентабеллилиги 2012 йилдаги 27,4 % дан 2013 йилда 43,9 %га кўпайди, яъни 2012 йилга нисбатан 2013 йилда асосий фондларнинг рентабеллилиги 16,5 пунктга кўпайди;

-асосий фондларнинг маҳсулдорлиги (қайтими), яъни асосий фондлар 1 сўмига қанча маҳсулот сотишдан тушган тушум 2012 йилда 22,7 сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2013 йилда 27,1 сўмга етган;

**“Челак савдо сервис” асосий фондларининг самарадорлигини
ифодаловчи кўрсаткичлари таҳлили³⁰**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари					
1	Соф фойда	30682,8	43567,5	12884,7	142,0
2	Сотилган товарлар ҳажми	2543261,9	2685390,6	142128,7	105,6
3	Асосий фондларнинг қиймати	112030,7	99185,5	-12845,2	88,5
Нисбий кўрсаткичлар					
4	Асосий фондларнинг рентабеллиги, % (1қ * 100 : 3қ)	27,4	43,9	16,5	160,4
5	Асосий фондларнинг қайтими, сўм (2қ : 3қ)	22,7	27,1	4,4	119,3
6	Асосий фондларнинг сиғими, сўм (3қ : 2қ)	0,044	0,037	-0,007	83,8

Бундан кўриниб турибдики, корхонада асосий фондлар қайтими 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 4,4 сўмга ёки 35.3 %га кўпайганлиги ижобий ҳолатдир. Бу эса корхонанинг 2013 йилда асосий фондлардан самарали фойдаланганлигидан далолат беради. Асосий фондлар қайтимининг кўпайишига асосий сабаб қилиб, корхонанинг 2013 йилда товарлар сотишдан олган соф тушуми ҳажмининг 2012 йилга нисбатан 142128,7 минг сўмга кўпайганлигини кўрсатиш зарур.

Умуман олганда “Челак савдо сервис” МЧЖти асосий фондлари самарадорлиги кўрсаткичларининг асосий фондлар қайтими кўрсаткичлари 2012 йилга нисбатан 2013 йилда кўпайган бўлса, энг асосий самарадорлик кўрсаткичи ҳисобланган асосий фондлар рентабеллилиги кўпайиш тенденциясига эга бўлганлиги туфайли корхонанинг асосий фондлар самарадорлиги кўрсаткичларини 2012 йилга нисбатан 2013 йилда ижобий баҳолаш мумкин.

³⁰ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

Таҳлилнинг кейинги босқичида бизлар корхонанинг айланма маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини таҳлилни олиб боришни лозим топдик

Савдо корхоналари ва ташкилотларида фаолият самарадорлигини оширишда муҳим ўринни айланма маблағлар эгаллайди. Уларнинг ҳажмидан бевосита корхонанинг ривожланиш масалалари боғлиқ бўлади. Шу сабабли айланма маблағлар, уларнинг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларини таҳлил қилиш масалалари муҳим ҳисобланади (4-жадвал).

4-жадвал

“Челак савдо сервис” айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлили³¹

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
Ҳажм кўрсаткичлари					
1	Соф фойда	30682,8	43567,5	12884,7	142,0
2	Сотилган товарлар ҳажми	2543261,9	2685390,6	142128,7	105,6
3	Айланма маблағлар	278274,3	299534,8	21260,5	107,6
4	Дебиторларнинг қиймати	134548,6	108659,7	-25888,9	80,8
Нисбий кўрсаткичлар					
5	Айланма маблағларнинг айланувчанлиги кунларда (3қ*360:2қ)	39,4	40,2	0,8	101,9
6	Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти, марта, (2қ : 3қ)	9,1	9,0	-0,2	98,1
7	Айланма маблағларнинг рентабеллиги, % (1қ *100 : 3қ)	11,0	14,5	3,5	131,9
8	Дебиторларнинг айланувчанлик даври (4қ * 360 : 3қ)	174,1	130,6	-43,5	75,0

4-жадвал маълумотларидан қуйидаги хулосаларга келинди:

- айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2012 йилда 39,4 кунни, 2013

³¹ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг ҳисоботлари асосида ҳисобланди

йилда эса 40,2 кунни ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 0,8 кунга купайганлиги салбий ҳолатдир. Чунки айланма маблағлар айланувчанлиги 0,8 кунга ортган;

- айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти (бир йилда корхона хўжалик фаолиятида айланма маблағларнинг неча марта айланганлиги) 2012 йилда 9,1 марта ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 9,0 мартани ҳосил қилган. Бу ҳам салбий ҳолатдир;

- айланма маблағлар самарадорлигини таҳлил қилганда дебиторлик қарзларининг ҳам айланувчанлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткич корхонанинг дебиторлик қарзларининг ўртача неча кунда қайтиб келишини билдиради. Корхонада дебиторларнинг айланувчанлиги 2012 йили 174,1 кунни, 2013 йилда эса 130,6 кунни ташкил қилган. Бу корхона учун ижобий ҳолатдир. Бундан кўриниб турибдики корхонада дебиторларнинг айланувчанлиги 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 43,5 кунга тезлашган. Бу ҳолат корхонанинг айланма маблағларининг айланишини тезлаштириб, хўжалик фаолиятининг ривожланишига олиб келади.

Айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи асосий кўрсаткич бўлиб, айланма маблағлар рентабеллилиги ҳисобланади. Айлланма маблағлар рентабеллилиги 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 3,5 пунктга купайган. Бундай ҳолат жуда ҳам ижобий ҳисобланади. Бу кўрсаткич корхона ҳар 100 сўм айланма маблағларига қанча фойда олганлигини кўрсатади. Бу кўрсаткичнинг купайиб кетишига асосий сабаб қилиб корхонада соф фойданинг 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 12884,7минг сўмга купайишини келтиришимиз зарур.

Умуман олганда корхонада айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилини 2012 йилга нисбатан 2013 йилда ижобий томонга ўзгарганлигини кўриш мумкин.

Замонавий бозор муносабатлари шароитида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Шу туфайли энди

“Челак савдо сервис” МЧЖти меҳнат ресурслари самарадорлигини таҳлили билан танишиб чиқамиз (5-жадвал).

5-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖти меҳнат ресурслари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили³²

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариши %
1	Товар айланмаси (сотилган товарлар) ҳажми, минг сўм	2543261,9	2685390,6	142128,7	105,6
2	Соф фойда, минг сўм	30682,8	43567,5	12884,7	142
3	Меҳнат ресурслари сони, киши	20	20	-	100
4	Меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:3к)	127163,1	134269,5	7106,4	105,6
5	Меҳнат ресурслари фойдалилиги, минг сўм (2к:3к)	1534,1	2178,4	644,3	142,0

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, товар айланма ҳажмининг 2013 йилда ўтган 2012 йилга нисбатан 142128,7 кўпайганлиги туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам 7106,4 минг сўмга ортган. Бу ҳолат асосан корхонада меҳнат ресурслари сонининг ўзгармаганлиги ва товар айланмаси ҳажмининг ортиши натижасида содир бўлган. Умуман олганда меҳнатнинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича “Челак савдо сервис” МЧЖти ижобий натижаларга эришган. Албатта, бу ўз-ўзидан бўлган эмас. Бунга бир қанча омиллар таъсир қилган. Таҳлил жараёнида қандай омиллар қайси кўрсаткичга қай даражада таъсир қилганлигини аниқлаш муҳимдир.

Бизнинг фикримизча, “Челак савдо сервис” МЧЖти раҳбар ва мутасадди ходимлари корхонанинг хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга оид масалаларга ҳозирги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда янгича ёндошиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишлари ва уларни хўжалик амалиётига қўллаш имкониятлари тўғрисида жиддий ўйлашлари лозим бўлади.

6-жадвал

³² “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

**“Челак савдо сервис” МЧЖтининг молиявий ресурслари
таркибининг таҳлили³³**

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати (%)
1.	Жами маблағлар	1228326,2	1236942,6	8616,4	100,7
	Шу жумладан				
2.	Ўз маблағлари	1195889	1216920,5	21031,5	101,8
2.1.	Ўз маблағларининг жами маблағлардаги улуши, % ($2_{\text{к}} * 100 : 1_{\text{к}}$)	97,4	98,4	1,0	101,0
3.	Четдан жалб қилинган маблағлар	32437,2	20022,1	-12415,1	61,7
3.1.	Четдан жалб қилинган маблағлар (мажбуриятлар)нинг жами маблағлардаги улуши, % ($3_{\text{к}} * 100 : 1_{\text{к}}$)	2,6	1,6	-1,0	61,3

Биз таҳлилимиз давомида “Челак савдо сервис” МЧЖти маблағларининг шаклланиш манбаларини ҳам ўрганиб чиқдик. Ушбу ҳолатни 6-жадвал маълумотлари асосида ҳам кўришимиз мумкин.

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики корхона маблағларининг асосини корхонанинг ўз маблағлари ташкил этади. Корхонада ўз маблағларининг юқори эканлигини ижобий ҳолат деб баҳоласа бўлади. Маблағлар таркибидаги бундай таркибий ўзгаришларни ижобий баҳолашимиз ва “Челак савдо сервис” МЧЖти молиявий мустаҳкамлик томон ҳаракатланмоқда дейишимиз мумкин.

2. “Челак савдо сервис” МЧЖнинг фойдаси таҳлили

Аралаш иқтисодиёт шароитида барча корхоналар тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатганлиги туфайли, уларнинг асосий мақсадларидан

³³ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

бири кўпроқ фойда олиб фаолият кўрсатишдан иборат. Чунки, фойда олиб тегишли муаммоларни ҳал қилиб бормайдиган бўлса, бундай корхоналар банкротга учраши ва иқтисодий барқарорлигини йўқотиб фаолияти издан чиқиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун албатта ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан, савдо корхоналарининг ҳам фойда ва рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичларини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Ушбу кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва ички имкониятларини ахтариб топиш ҳамда ушбу имкониятлардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш учун уларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги шароитда молиявий ҳисоботда ифода этилган маълумотлар асосида фойда кўрсаткичи қуйидагича аниқланади:

$$Сф = Ст - Тн - Дх + Афбд + Мфд - Мфх + Тф - Дсй ;$$

Бунда: Ст - сотилган маҳсулот;

Тн - сотилган маҳсулот таннари;

Дх - давр харажатлари;

Афбд – асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари;

Мфд - молиявий фаолият даромадлари;

Мфх - молиявий фаолият харажатлари;

Тф - тасодифий фойда;

Дсй - даромад (фойда) солиғи ва бошқа йиғимлар.

Ушбу формуладан кўриниб турибдики, соф фойда ўзгаришига саккизта омил таъсир қилади. Шулардан, тўрттасининг кўпайиши ижобий (сотилган маҳсулот – Ст, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари – Афбд, молиявий фаолият даромадлари – Мфд ва тасодифий фойда - Тф) ва тўрттасининг кўпайиши (сотилган маҳсулот таннари – Тн, давр харажатлари – Дх, молиявий фаолият харажатлари – Мфх ва даромад (фойда) солиғи ва бошқа йиғимлар - Дсй) салбий таъсир қилар экан.

Фойда таҳлили фойда миқдори динамикаси ва корхонада мавжуд бўлган ҳолларда фойда режасининг бажарилишини ўрганишдан бошланади.

Фойдани таҳлил қилишда фойда режасининг ортиғи билан бажарилиши (бажарилмаслиги), унинг ҳисобот йилида ўтган йилга нисбатан ўсиши (камаيши) аниқланади, шунингдек, фойда режасининг бажарилиш фоизи, унинг аввалги йиллар билан солиштирганда суратининг ўзгариши ҳисоблаб чиқилади. Бундай таҳлилни айрим фойда турлари бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқ (товарни сотишдан олинувчи фойда, молия-хўжалик фаолиятдан олинувчи фойда, соф фойда).

Савдо корхонасининг фойдаси таҳлилини амалда эришилган натижаларни режадаги ёки аввалги йиллардаги шундай кўрсаткичлар билан солиштиришдан ташқари, айрим омилларнинг фойдага кўрсатувчи таъсирини аниқлаш ва баҳолашни асосий мақсад қилган ҳолда чуқур тадқиқотлар ўтказиш йўли билан амалга ошириш лозим.

Товарни сотишдан олинувчи фойда товар айланмаси ҳажмининг ўзгариши, савдо корхонаси тасарруфида қолувчи ялпи даромаднинг ўртача ҳажми ва муомала харажатлари ўртача даражасига боғлиқ бўлади.

Таҳлилнинг кейинги босқичида, бизлар корхонанинг даромад ва харажатларини таҳлил этишни мақсад қилиб олдик, сабаби савдо корхоналарининг даромад ва харажатларини таҳлил этиш орқали, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, унинг даромад, харажат, фойда ва зарарлари таркибидаги структуравий ўзгаришлар тўғрисида аниқ ва ишончли маълумотларга эга бўламиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда бизлар таҳлилни “Челак савдо сервис” МЧЖ ялпи даромадларининг таркиби ва тузилишини таҳлилидан бошладик ва 7-жадвални туздик.

7-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “Челак савдо сервис” МЧЖтида жами даромадлари асосан маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушум ҳисобига шаклланган. Корхона даромадлари 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 149731,2 минг сўмга кўпайган. Корхона даромадлар суммасининг кўпайиши ижобий ҳолатдир.

7-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖ ялпи даромадиниң таркиби ва тузилиши таҳлили³⁴

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1	Маҳсулот (иш, хизмат) ларни сотишдан келган тушум	2543261,9	2685390,6	142128,7	105,6
2	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	х	6440	+6440	х
3	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	х	1162,5	+1162,5	х
4	Фавқулодда даромадлар	х	х	-	-
5	Жами даромадлар (1қ+2қ+3қ+4қ)	2543261,9	2692993,1	149731,2	105,9

“Челак савдо сервис” МЧЖтида даромадлар 2010 ва 2011 йилларга нисбатан 2013 йилга келиб кўпайган (8-жадвал).

8 – жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖтининг 2010 – 2013 йиллардаги ялпи даромадлари динамикаси³⁵

Йиллар	Ялпи даромади, минг сўм	Абсолют ўсиши, минг сўм		Ўзгариш суръати, %	
		Ўтган йилга нисбатан	2010 йилга нисбатан	Ўтган йилга нисбатан	2010 йилга нисбатан
2010	1827524,0	-	-	-	100,0
2011	1867647,0	40123,0	40123,0	102,2	102,2
2012	2543261,9	675614,9	715737,9	136,2	139,2
2013	2692993,1	149731,2	865469,1	105,9	147,4

8-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Челак савдо сервис” МЧЖтининг ялпи даромадлари 2010 йилдан 2013 йиллар мобайнида бир текис ўсиш тенденциясида ривожланган.

³⁴ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

³⁵ Ўша манба

Корхона ялпи даромадларининг сўнгги тўрт йилдаги энг юқори ўсиш тенденцияси 2013 йилда кузатилган бўлиб 2010 йилга нисбатан 865469,1 минг сўм ва 47,4 фоизга ошган.

Маълумки фойда олишни мўлжаллаган ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг бўлиши тайин. Аммо фаолият давомида уларнинг мақсадга мувофиқ сарфини таъминлаш билан бирга, юқори самарадорликка ҳам эришишни тақозо қилади (9-жадвал).

9-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖти харажатларининг таркиби ва тузилиши таҳлили³⁶

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+,-)	Ўзгариш суръати, %
1	Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	2295450,5	2405336,9	109886,4	104,8
2	Давр харажатлари	128781,0	143762,4	14981,4	111,6
3	Асосий фаолиятнинг бошка харажатлари	х	х	-	-
4	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	х	х	-	-
5	Даромад (фойда) солиги	88347,6	100326,3	11978,7	113,6
6	Фойдадан бошка соликлар ва йиғимлар	х	х	-	-
7	Жами харажатлар	2512579,1	2649425,6	136846,5	105,4

9-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Челак савдо сервис” МЧЖтида жами харажатлари 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 136846,5 минг сўмга кўпайган. Корхона харажатлар суммасининг кўпайиши асосан сотилган махсулот(товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари туфайли рўй берган.

10-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖти фойдасининг шаклланиши таҳлили³⁷

³⁶ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

³⁷ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати (%)
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан кўрилган даромад	2543261,9	2685390,6	142128,7	105,6
2	Сотилган (товар, иш ва хизмат)ларни таннари	2295450,5	2405336,9	109886,4	104,8
3	Маҳсулотларни сотишдан кўрилган ялпи фойда(1к-2к)	247811,4	280053,7	32242,3	113,0
4	Давр харажатлари	112740,4	143762,4	31022	127,5
5	Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар	х	6440,0	6440,0	х
6	Асосий фаолиятнинг фойдаси (3к-4к+5к)	119030,4	142731,3	23700,9	119,9
7	Молиявий фаолият бўйича даромад	х	1162,5	1162,5	х
8	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	х	х	-	-
9	Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (6к+7к-8к)	119030,4	143893,8	24863,4	120,9
10	Фавқулудда фойда	х	х	-	-
11	Фавқулудда зарар	х	х	-	-
12	Даромад (фойда) солиғи тўлагунга қадар фойда (9к+10к-10к)	119030,4	143893,8	24863,4	120,9
13	Даромад солиғи	88347,6	100326,3	11978,7	113,6
14	Фойдадан солиқ ва бошқа ажратмалар	х	х	х	х
15	Соф фойда (12к-13к-14к)	30682,8	43567,5	12884,7	142,0

Фойда мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналар фаолиятини баҳолаш кўрсаткичи ва рағбатлантириш манбаидир. “Челак савдо сервис” МЧЖ фаолиятга объектив баҳо бериш учун фойда таркиби, тузилиши, уни

ташкил этувчи элементларни динамик тарзда чуқур ўрганмоқ мақсадга мувофиқ (10-жадвал).

10-жадвал маълумотлари далолат бериб турибдики, “Челак савдо сервис” МЧЖти 2013 йилни 43567,5 минг сўмлик фойда билан якунлаган. Бу эса корхона фаолиятининг саммарадорлигини ифодаловчи ва рақобатбардошлигини оширувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Савдо корхоналарининг асосий мақсади ва барча ҳаракатлари максимал даражада фойда олиш ҳисобланганини инобатга олиб, бизлар таҳлилнинг кейинги босқичида “Челак савдо сервис” МЧЖти соф фойдаси динамикасини таҳлил қилишни лозим топдик. (11-жадвал)

11-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖ соф фойдасининг ўзгариш динамикаси таҳлили³⁸

Йиллар	Соф фойдаси, минг сўм	Абсолют ўсиши, минг сўм		Ўзгариш суръати, %	
		Ўтган йилга нисбатан	2010 йилга нисбатан	Ўтган йилга нисбатан	2010 йилга нисбатан
2010	36952,3	-	-	-	100,0
2011	47961,0	11008,7	11008,7	129,8	129,8
2012	30682,8	-17278,2	-6269,5	64,0	83,0
2013	43567,5	12884,7	6615,2	142,0	117,9

11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики “Челак савдо сервис” МЧЖ соф фойдаси 2010 йилдан 2013 йиллар мобайнида бир ўсиш ва бир камайиш тенденциясига эга. Ўсиш тенденцияси айниқса 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 29,8 баробар ортиши кузатилган.

Албатта, янги бозор муносабатлари шароитида савдо корхоналарининг мақсади ва барча ҳаракатлари максимал даражада фойдага эришиш ҳисобланади. Ушбу вазиятда мулкдорларни соф фойданинг миқдори энг кўп қизиқтиради. Зеро, мулкдорларнинг манфаати айнан соф фойданинг

³⁸ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг моливий ҳисоботлари асосида ҳисобланди

улар ўртасида тақсимланиши орқали юзага чиқади. Шуларни инобатга олсак, “Челак савдо сервис” МЧЖ эришган натижаларини ижобий баҳолаш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда “Челак савдо сервис” МЧЖ фойдасини таҳлил қилишда олинган кўрсаткичларнинг ҳозирги ҳолатига қараб хулоса чиқармасдан, уларнинг истиқболдаги ўзгаришларини ҳам инобатга олиш мақсадга мувофиқ.

3. “Челак савдо сервис” МЧЖ рентабеллиги таҳлили

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва бозор муносабатларининг чуқурлашиши шароитида рентабеллик кўрсаткичларига янгидан замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим. Режали иқтисодиёт шароитида рентабеллик асосан давлат манфаатини, режанинг бажарилиш даражасини ифода этган бўлса, эндиликда эса ушбу кўрсаткич, таъкидланганидек нафақат давлатнинг, балки мулкдор, меҳнат жамоаси кабиларнинг ҳам манфаатларини ўзида ифода этмоғи лозим. Бу эса ушбу кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Рентабелликни таҳлил этиш қатор кўрсаткичларни аниклаш, фойда ва рентабелликка таъсир қилувчи омиллар, шарт-шароитлар тўғрисидаги маълумотларни туплаш ҳамда уларга ишлов беришдан бошланади. Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот (2-сонли шакл)да келтирилган кўрсаткичлар буйича режанинг бажарилишини аниклаш ва утган йилларга (камида уч йил) нисбатан ўзгариш суръатларини таҳлил қилиш учун маълум шаклдаги жадваллар тузилади. Тузилган жадваллар рентабеллик кўрсаткичлари хусусида тўлиқ ва аниқ хулосалар берувчи маълумотларни ўзида мужассамлаштиради.

“Челак савдо сервис” МЧЖ да рентабелликни ифодалаш бизлар товар айланмаси (сотилган товар) рентабеллиги ва ҳаражатлар рентабеллиги кўрсаткичлардан фойдаландик.

Савдо корхоналарида ҳам товар айланмаси (сотилган товар) рентабеллиги муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар 100 сўмлик товар

айланмасининг қанча қисми фойдани ташкил қилишини билиш ушбу корхонанинг мулкдорлари ва раҳбари учун учун муҳим аҳамиятга эга. Мазкур кўрсаткични аниқлаш учун ($P_{ст}$) соф фойда ($C_{ф}$) сотилган товарлар хажмига ($C_{т}$) бўлинади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун одатдаги анъанавий формуладан фойдаланамиз:

$$P_{ст} = (C_{ф} / C_{т}) \times 100$$

“Челак савдо сервис” МЧЖ ҳаражатлар рентабеллигини (P_x) аниқлаш учун одатдагидек, соф фойда ($C_{ф}$) барча ҳаражатлар миқдори (X) бўлинади. Ушбу кўрсаткични қуйидагича аниқланади:

$$P_x = (C_{ф} / X) \times 100$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ўрганилаётган даврда “Челак савдо сервис” МЧЖ қилган бир сўм ҳаражатга қанча фойданинг тўғри келганлигини кўрсатади. Агар ушбу формула орқали топилган кўрсаткичнинг миқдори 835 бўлса, шу корхонада бир сўм ҳаражат ўрта ҳисобда таҳлил қилинаётган даврда 835 сўм фойда келтиришга эришилганлигини кўрсатади. Мазкур кўрсаткичнинг миқдорини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиб, “Челак савдо сервис” МЧЖ ҳаражатлар рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичларнинг ҳолатига баҳо бериш мумкин бўлади.

Ушбу кўрсаткичларни “Челак савдо сервис” МЧЖ маълумотлари асосида қараб чиқамиз. Мазкур корхонада товар айланмаси ва ҳаражатлар рентабеллик кўрсаткичларининг 2012-2013 йиллардаги ҳолати қуйидаги жадвалда келтирилган (12-жадвал).

12-жадвал

“Челак савдо сервис” МЧЖ рентабеллик кўрсаткичлари

таҳлили³⁹

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш суръати, %
1.	Товар айланмаси, минг сўм	2543261,9	2685390,6	142128,7	105,6
2.	Харажатлар, минг сўм	2512579,1	2649425,6	136846,5	105,4
3.	Соф фойда, минг сўм	30682,8	43567,5	12884,7	142,0
4.	Рентабеллик, % (товар айланмасига нисбатан)	1,2	1,6	+0,4	X
5.	Рентабеллик, % (харажатларга нисбатан)	1,2	1,6	+0,4	X

12-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2013 йилда “Челак савдо сервис” МЧЖда натижалар бир мунча яхшиланган. Бу айниқса корхонанинг соф фойдаси миқдорини ўсганлиги билан тавсифланади. 2013 йилда соф фойда миқдори 2012 йилга нисбатан 12884,7 минг сўмга ортиб 43567,5 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич соф фойда миқдорини 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 142,0 фоизга ошганлигидан далолатдир.

2013 йилда “Челак савдо сервис” МЧЖда товар айланмасининг 5,6 фоизга ўсиши, яъни харажатларга нисбатан 0,2 фоиз пунктга ортиқ ўсганлиги соф фойда миқдорини ортишига олиб келган.

Соф фойда миқдорининг сезиларли равишда ошиши 2013 йилда “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг рентабеллик кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топган. Агар 2012 йилда товар айланмаси рентабеллиги 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 0,4 пунктга ортган ёки 1,6 фоизни ташкил қилган. Бу ҳолатни харажатлар рентабеллигида ҳам кузатиш мумкин. 2013 йилда харажатлар рентабеллиги 1,6 фоизни ташкил қилган ва 2012 йилдаги даражасидан 0,4 пунктга ортган.

“Челак савдо сервис” МЧЖ умумхўжалик фаолияти рентабеллигидаги бундай ўзгаришни ижобий баҳолашимиз мумкин. Аммо,

³⁹ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ва статистик ҳисоботлари асосида ҳисобланди

биргина умумхўжалик фаолияти рентабеллиги билан корхонанинг умуман рентабеллик кўрсаткичларига ижобий баҳо бериб бўлмайди. Шунинг учун биз куйида “Челак савдо сервис” МЧЖ ресурслари рентабеллиги кўрсаткичларини таҳлил қилиб ўтамиз.

Ҳозирги кунда “Челак савдо сервис” МЧЖда фаолият самарадорлигини ва фойдани оширишни таъминлаш воситаларидан бири бу – ресурсларга эгалик қилиш ҳисобланади.

Маълумки савдо корхоналари ресурслари моддий (асосий фондлар, айланма маблағлар), номоддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан иборат⁴⁰. Ушбу ресурслардан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш корхона фойдасини кўпайтирувчи, иқтисодий салоҳиятини юксалтирувчи ва фаолият рентабеллиги ҳамда самарадорлигини оширувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис мавжуд ресурслар рентабеллигини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга (13-жадвал).

13-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхонада соф фойданинг 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 12884,7 минг сўмга кўпайиши натижасида асосий фондларнинг рентабеллиги 2012 йилдаги 27,4 % дан 2013 йилда 43,9 %га ёки 16,5 пунктга кўпайди.

Айланма маблағлар рентабеллиги 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 3,5 пунктга купайган. Бундай ҳолат жуда ҳам ижобий ҳисобланади. Бу кўрсаткич корхона ҳар 100 сўм айланма маблағларига қанча фойда олганлигини кўрсатади.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларидан бири бўлган ҳар бир ходимга тўғри келаётган фойда миқдори ҳам таҳлил қилинаётган даврда бир мунча ортган. 2012 йилда ҳар бир ходимга 1534,1 минг сўм тўғри келган бўлса 2013 йилда 644,3 минг сўмга ортиб 2178,4 минг сўмни ташкил этган. Бу фоизда 142,0 фоизни ташкил этган.

13- жадвал

⁴⁰ Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2010, 100 б.

“Челак савдо сервис” МЧЖ ресурслари рентабеллиги кўрсаткичлари таҳлили⁴¹

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар	2012 йил	2013 йил	Фарқи (+;-)	Ўзгариш сурати, %
1.	Асосий фондлар	112030,7	99185,5	-12845,2	88,5
2.	Айланма маблағлар	278274,3	299534,8	21260,5	107,6
3.	Меҳнат ресурслари, киши	20	20	-	100,0
4.	Соф фойда	30682,8	43567,5	12884,7	142,0
Рентабеллик кўрсаткичлари					
5.	Асосий фондлар рентабеллиги, % (4қ * 100 : 1қ)	27,4	43,9	16,5	160,4
6.	Айланма маблағлар рентабеллиги, % (4қ * 100 : 2қ)	11,0	14,5	3,5	131,9
7	Битта ходимга тўғри келадиган фойда миқдори, минг сўм (4қ : 3қ)	1534,1	2178,4	644,3	142,0

Умуман олганда, 2013 йилда фойда миқдорининг кескин ортганлиги нафақат умумхўжалик фаолияти рентабеллигига, балки асосий фондлар ва айланма маблағлар рентабеллигига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга 2013 йилда фойданинг ортгани ходимларнинг ҳар бирига тўғри келаётган фойда миқдорини ҳам ошишига олиб келган. Бу кўрсаткичлардан “Челак савдо сервис” МЧЖда 2013 йилда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ижобий фаолият юритган деган хулосага келдик.

III. Боб. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида “Челак савдо сервис” МЧЖ фойдаси ва рентабеллигини ошириш йўллари

3.1. “Челак савдо сервис” МЧЖ фойдаси ва рентабеллигини ошириш йўллари

⁴¹ “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ва статистик ҳисоботлари асосида ҳисобланди

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида қишлоқ туманларида фаолият юритаётган матлубот кооперацияси ва бошқа тизимдаги чакана савдо шаҳобчалари хусусийлашиши ва қишлоқ аҳолисининг реал даромадларини пасайиб кетиши сабабли чакана савдо шаҳобчалари сони бир мунча камайди, сотилаётган товарлар ассортименти бир мунча қисқарди, айниқса ноозик-овқат товарларини фақат вилоятлар марказий шаҳарларидаги бозорларда сотиш ташкил этилди.

Маълумки, матлуботсавдо тизими кўп йиллар қишлоқ ҳудудларида қишлоқ аҳолисининг истеъмол товарларининг асосий қисмини сотиб оладиган ягона савдо корхонаси ҳисобланиб, савдо ва умумий овқатланиш хизмати кўрсатишда якка монопол ўринни эгаллаган. Бу эса уларда фаолияти самарадорлигини ва рентабеллигини таъминлаб берган.

Аммо бугунги рақобат шароити кучайиб бораётган бир шароитда, қишлоқ ҳудудларида ҳам кўплаб савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, деҳқон бозорлари ташкил қилинмоқдаки, бу ўз ўзидан бозорда рақобатнинг кучайишига олиб келмоқда.

Республикамизда, 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришнинг асосий концептуал йўналишлари белгилаб қўйилган эди ⁴². Булардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда **“2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”**ги ПҚ-1754-сонли ва 2013 йил 17 апрелда **“2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-1957-сонли қарорлари қабул қилинди. Дастурда 2016 йилга қадар хизматлар

⁴² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли ва «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли қарорлари.

соҳасини жадал ривожлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини **55 фоизгача** етказиш, хизматларнинг янги, замонавий турларини жорий этиш, аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этиш чора тадбирлари кўзда тутилган.

Дастур ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августда **“Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 253-сон қарорларининг амалиётда бажарилиши натижасида барча туманлар марказидаги деҳқон бозорлари қайтадан модернизация қилинди, уларда қўшимча янги савдо ўринлари яратилди, сотувчи ва харидорлар учун қулай шароитлар ва енгил автомобиллар учун махсус тўхташ жойлари ташкил этилди. Ҳар бир туман марказида ноозиқ-овқат товарлари (буюмлар) билан савдо қилишга ихтисослашаган, камида 10 минг кв.м. умумий майдонга эга бўлган махсус бозорлар барпо қилинди.

Булардан ташқари туман марказлари, қишлоқ фуқаролик йиғинлари марказлари ва маҳалла гузарлари ободонлаштирилиб, уларда фаолият юритаётган чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини модернизация қилиш ва янгиларини қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Натижада фақат вилоятлар марказий шаҳарларида сотилаётган ноозиқ-овқат товарлари ассортименти: қурилиш материаллари, тайёр кийимлар, пойабзаллар, хўжалик ва маданий моллар яна туман марказларидаги чакана савдо тармоқларига қайтиб келмоқда, уларга аҳолининг талаби тобора ошиб, чакана савдо шаҳобчалари сонини кўпайишига олиб келди (14-жадвал).

14-жадвал

Ўзбекистон қишлоқ жойларида чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ўсиши (йил бошига)

	2012	2013	2013 йилда 2012
--	------	------	-----------------

	йил ⁴³	йил ⁴⁴	йилга нисбатан ўзгариши, %
Магазинлар сони	31868	33449	105,0
уларнинг савдо майдони, минг.м ²	1168,9	1052,6	90,1
Умумий овқатланиш корхоналари сони	4254	2348	55,2
Ўриндиқлар сони, минг	139,4	83,5	59,9

Пайариқ туманида 2012 йилда жами юридик шахс мақомидаги 170 та савдо ва умумий овқатланиш корхонаси рўйхатга олинган бўлса, 2013 йилга келиб уларнинг сони 196 тага етган. Бундан ташқари туманда 2 та деҳқон бозори ва 2 та бозор шаклидаги савдо мажмуаси ҳамда 300тага яқин патентчи тадбиркорлар ҳам мавжуд. Шу билан бирга ҳар йили туманда давлат дастурлари доирасида 10 тадан 15 тагача чакана савдо ва умумий овқатланиш корхонларини ташкил этиш режалаштирилиб келинади⁴⁵.

Юқоридаги таҳлилий маълумотлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ туманларида чакана савдо шаҳобчалари сони ривожланиши ва товар ассориментларини мўл-кўллигини таъминланиши, юқори маданиятли хизмат кўрсатишга эришилиши сабабли аҳоли керакли истеъмол товарларини ўзларининг яшаш жойларидан харид қилишга ва қимматли вақтларини тежашга эришмоқдалар.

Буларнинг барчаси “Челак савдо сервис” МЧЖнинг мавқеини пасайиб боришига ҳамда фаолиятига ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда.

Корхоналар хўжалик фаолиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш ҳар доим ҳам долзарб масала бўлган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кейинги йилларда “Челак савдо сервис” МЧЖ хўжалик фаолияти унчалик ҳам ривожланмаяпти. Бунга қуйидагиларни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин:

⁴³ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2012. 62-с.

⁴⁴ Торговля в Узбекистане (статистический сборник). –Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике. 2013. 62-с.

⁴⁵ Самарқанд вилояти Статистика Бош Бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланди

1. Корхонанинг мулк шакли бир неча бор ўзгарганига қарамасдан фаолият йўналиши ўзгармаган. Қолаверса корхона ишчиларининг корхона фаолиятида иштирок этишдан манфаатдорлик йўқ.

2. Соҳада олиб борилган ислохотлар олдинги кооперация тизимининг йўқолиши корхона фаолиятига салбий таъсир қилган. Олдиндан ўрнатилган хўжалик алоқалари барҳам топиб, янгиларини ўрнатиш қийинчилик тўғдирган.

3. Бир қанча вақт қишлоқ ҳудудларида ягона савдо тармоғи ҳисобланган ишлаб чиқариш савдо кооперативи бугунги рақобат шароитига мослаша олмай қолмоқда.

4. Қишлоқ туманларида қурилаётган намунавий уй-жойларни лойиҳалаш ва режалаштириш жараёнида аҳоли сонига қараб замонавий **“кундалик эҳтиёж товарлари магазини”**, ошхона, дорихона ва хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини **комплекс ва энг қулай жойда** жойлаштиришни лойиҳаларга қўшилаётганлиги.

5. Таклиф этилаётган товарлар ассортиментининг камлиги;

6. Корхонада фақат нақд пул орқали савдо йўлга қўйилганлиги ва пластик карточкалар орқали савдо қилиш имкониятларининг йўқлиги ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган муаммолар “Челак савдо сервис” МЧЖ самарали фаолият юритишига салбий таъсир қилмоқда. Бу айниқса ислохотлар чуқурлашиб бораётган бугунги кунда яққолроқ сезилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг чуқурлашиши шароитида савдо корхоналари хўжалик фаолиятининг рақобатбардолигини таъминловчи, шунингдек уларнинг мақсадини белгилаб берувчи асосий кўрсаткич фойда саналади. Ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида савдо корхоналарининг фойдаси уларнинг кескин рақобат шароитида фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг асоси ҳисобланади. Савдо корхоналарининг фойдаси нафақат уларни ривожлантириш воситаси, балки у давлат бюджетини маблағ билан таъминлашнинг ҳам энг асосий

манбаларидан бири ҳисобланади. Бунга эришишда савдо корхоналари фойдасини купайтириш устувор аҳамият касб этади.

Барча савдо корхоналарида фойдани шаклланишининг асосий манбаи бўлиб, товарларни сотишдан олинган даромадлар ҳисобланади. Буларнинг барчаси, савдо корхоналари фойдасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда асосий эътиборни уларнинг товар айланишини оширишга қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Фойда даромадлар ва харажатлар тафовутидан шаклланган кўрсаткич бўлганлиги сабабли, уни нисбий кўрсаткичи рентабелликни ошириш йўллари аниқлаш даромадни ошириш ва харажатларни қисқартириш тадбирларидан келиб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, рентабелликни ошириш йўллари аниқлаймиз.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин.

1. Товар айланиши ҳажмини ошириш ва ассортиментини такомиллаштириш.
2. Товарларни силжитиш бугинлари қисқартириш.
3. Товар айрибошлаш тезлигини таъминлаш (кунлар ва маротаба ҳисобида).
4. Муомала харажатларини тежамкорлик билан сарфлаш.
5. Мавжуд ресурслардан (моддий, меҳнат ва молиявий) самарали фойдаланиш.
6. Савдони янги технологияларини жорий қилиш ва бошқалар.

Фойдани оширишни асосий йўли даромадларни оширишдир.

Савдо фаолияти даромадларини ошириш йўллари даромадлар турларидан ва моддаларидан келиб чиқиб, уларни шаклланиш манбалари ва уларга таъсир этувчи омиллардан келиб чиқиб белгиланиши зарур.

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан товарлар айланиши ҳажми, таркиби ва ассортименти, уларга ўрнатилган савдо устамаси даражаси ҳамда товарларни келтиришдаги иштирокчилар ва рақобатбардош

баҳонинг миқдоридан боғлиқ. Бу кўрсаткичларни у ёки бу томонга ўзгариши даромадни ортишига ёки камайишига олиб келади.

Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар миқдори корхонада мавжуд асосий фондлар, уларни ишлатилмаётганлиги, сотиш имконияти, номоддий активларни сотишни ташкил қилишдан боғлиқ.

Мавжуд, талаб қилиб олинмаган жазо, жарима ва боқимандаларни ўз вақтида қайтариб олиш тадбирларини кўриш ва бошқалар.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадларни ошириш учун савдо корхонаси мулки бўлган нау-хау, лицензия, компьютер дастурларидан самарали фойдаланиш, уларни ижарага бериш ёки сотиш чораларини кўриб чиқиш.

Бошқа корхоналар акцияларини сотиб олиш орқали дивидендлар ишлаш каби фаолиятларни юритиш.

Барча даромадлар турлари бўйича уларни ошириш йўллари ахтарганда, бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлардан фойдаланиш, рационал қарорлар қабул қилиш, фан техника ютуқларидан тўғри фойдаланиш каби тадбирлар кўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Муомала ҳаражатларидан тежамли фойдаланиш, унинг таркибида нораціонал ҳаражатларга йўл қўймаслик савдонинг сотишдан олган фойдасини оширишга олиб келади.

Умуман фойдани миқдори хўжалик фаолиятни ташкиллаштиришда самарали қарорлар қабул қилиш, раҳбарлар ва ходимларни тадбиркорлиги, касбий маҳорати, малакаси каби омилларга ҳам анча боғлиқдир.

Аввало, қишлоқ туманлари аҳолиси ўртасида кўп асрлардан бери савдо, умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳамда бошқа хизматларни амалга ошириш бўйича нуфузли ўринда бўлган **матлубот кооперацияси** тизими банкрот бўлиб, умуман фаолиятини тўхтатиш даражасига келиб қолган. Уларнинг кўпчилик савдо, умумий овқатланиш ва ишлаб чиқариш корхоналари шахобчалари

хусусийлаштирилиб ўрнида янги бозор иқтисодиёти талабларига мос ишлайдиган шаҳобчалар ташкил этилмаган.

Матлубот кооперациясининг **“Масъулияти чекланган жамиятлари”** шаклидаги бозор субъектларига қарашли магазинларда фақат ўсимлик ёғи ва ун ҳамда энг оддий ассортиментли озиқ-овқатлар сотилмоқда холос. Уларнинг савдо майдонларидан фойдаланиш даражаси 20-25 фоизни ташкил этмоқда. Туман марказлари ва қишлоқлардаги катта-катта магазин ва ошхоналар ишламай турибди ёки бошқа мақсадда фойдаланмоқда.

Матлубот кооперациясининг мавқеини кўтариш, чакана савдодан ташқари, умумий овқатланиш, ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳолидан йиғиб, тайёрлаб, қайта ишлаб ва экспорт қилиш, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат, мева-сабзавот консерваларини ҳамда техник ва маиший хизматлар кўрсатиш бўйича республикамиз вилоятларида махсус дастурлар ишлаб чиқариш ва уларга имтиёлар берилишини кўзда тутиш долзарб масалага айланганлиги тасдиқланди⁴⁶.

Бизнинг фикримизча, “Челак савдо сервис” МЧЖ да фойдани ошириш орқали фаолият самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мавжуд савдо дўконларидаги товар қолдиқларини ўрганиб чиқиш ва товар сотишнинг прогрессив йўллари жорий қилиш;
- чакана савдо шаҳобчалари жойлашувини қайта кўриб чиқиш;
- аҳоли талабини ўрганиш асосида товарлар ассортиментини шакллантириш;
- асосий истеъмол моллари бўйича бозорларда кўчма савдони ташкил этиш;
- корхона бошқарувига бугунги кун замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланиб

⁴⁶ Нормуродов У.Н. “Қишлоқ аҳолисининг обод турмуш шароитини шаклланишида савдо-сотиқнинг ўрни” // – «Biznes-Эксперт». Иқтисодий илмий-амалий журнал. 2013 йил, 9– сон. 39 б.

корхона бошқарув қарорларини қабул қилишда ёрдам бера оладиган билимли иқтисодчи мутахассисларни ва маркетологларни жалб қилиш;

- истеъмолчилар талабини чуқур ўрганиб, сўнгра товарларни келтириш;

- товарларни сақлаш шароитларини яхшилаш ва моддий жавобгарликни ошириш;

- доимий харидорларни шакллантириш ва кўпайтириш;

- савдо маданиятини ошириш ва унда савдо ходимларининг роли очиб бериш;

- туман марказидан узоқ ва аҳолиси кам қишлоқларда **“кундалик эҳтиёж товарлари”** билан савдо қилиш масаласи ҳали ечилмаган. Бундай қишлоқлар аҳолисини махсус **“автомагазинлар”** орқали кундалик эҳтиёж товарлари билан таъминлаш ва бошқалар.

3.2. “Челак савдо сервис” МЧЖ да меҳнат муҳофазаси ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш масалалари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатларнинг бош мақсади инсон манфаатларига қаратилган. Шунга кўра, корхоналарда ҳам фаолият кўрсатаётган ходимлар саломатлигини, улар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш корхона раҳбариятининг диққат марказида бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида барча корхоналар ва ташкилотлар каби савдо корхоналарида ҳам меҳнат қонунчилигининг асосини Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни ва «Меҳнат Кодекси» ва меҳмонхона тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ташкил этади.

Маълумки, савдо корхонаси таркибидаги раҳбар ходимлар, яъни ташкилотчилик, маъмурий хўжалик ишларни амалга оширувчилар, савдо жараёнларини ташкил қилувчилар, моддий маблағларни тақсимооти билан шуғулланувчилар савдо корхонаси маъмуриятини ташкил этади.

Маъмурият савдо корхонаси ишчилари билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимида келиб чиқиб бошқаради ва назоратини олиб боради. Қонунчилик асосида савдо корхонаси тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариши кўзда тутилади. Меҳнат кодексида кўзда тутилган межбурият бўйича, ҳар бир ишчи, хизматчи учун иш мутахассислиги ва малакасига қараб маълум техник воситаситалардан иборат иш хати ташкил қилиниши, соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил қилиш, сифатли иш куроллари билан таъминлаш, корхона меҳнат интизомини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, барча иш шароитини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлашга қаратилган техник жиҳозлар ўрнатиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирларини амалга ошириш лозим.

Савдо корхонасида ишловчилар ва иш берувчилар ўзаро жамоа шартномасида белгиланади. Бунда, албатта иш ҳақи миқдори, шакли, компенсация ва пособия бериш; инфляция, баҳонинг кўтарилиши билан иш ҳақининг ўзгариши; ишдан бўшамаганларни қайта тайёрлаш; иш ва дам олиш вақти; меҳнат таътили; меҳнат шарт-шароитини яхшилаш; саломатлик, меҳнат ва экологик хавфсизликни таъминлаш; ишчиларни соғломлаштириш ва дам олдириш коллектив шартнома устидан назорат ва томонларнинг бошқа саволлари инобатга олинади.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофазаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига биноан (5-модда) меҳнат муҳофазаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан назорат қилинади.

Давлат структурасидаги барча бўлимлар бу билан шуғулланиб, бошқариб боришади.

Корхоналарда меҳнат қонунларининг бузилмаслигининг тармоқ назоратини вазир ва бирлашмалар бўйсунуш тартиби билан амалга оширади.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг барча соҳалари бўйича бажариладиган тадбирлар давлат бюджети, корхона, ташкилот, ҳомийлар ва бошқалар томонидан молиявий таъминланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш мажбурийлиги ҳам конунда батафсил кўрсатиб ўтилган. Унга кўра корхоналар ходимларнинг техника хавфсизлигини таъминлашлари, шу мақсадда тегишли адабиётлар, плакатлар билан таъминлашлари, ходимлар ўртасида инструктажлар ўтказиб туришлари, шунингдек, зарурий ҳолларда ходимларни сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газли шўр сув, шахсий ҳимоя ва гигиена воситалари билан таъминлаши лозимлиги келтирилган.

Корхонадаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатини муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабаларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек, ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойабзал ва бошқа махсус ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхона маъмурияти томонидан меҳнат конунчилигига риоя қилиниши юқори идора органлари, махсус давлат инспекцияси (Госэнергонадзор), прокуратура шунингдек касаба союз органлари ва уларнинг раҳбарлигидаги жамоатчилик назорат қилади.

Касаба уюшмаларининг ишлаб чиқаришдаги кумиталари ҳузуридаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия ташкил қилинади. Комиссия меҳнат конунчилигига, хавфсизлик техникасига ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоида ва нормалларга риоя қилишни текширади ва меҳнат муҳофазасига оид бўлган курикларда иштирок этади.

Бу комиссия ишчиларга инструктаж бериш ва хавфсиз ишлаш усулларини ўргатиш сифатини, хатолар ва асбобларнинг тузуклигини, меҳнат муҳофазасига ажратилган маблағларни сарфланишини, бахтсиз ходисаларни тугри ҳисобга орлинишини назорат қилади, ишлаб чиқариш травматизли ва касбий касалликлар сабабларини урганади ва маъмуриятга таклифлар киритади, ишчиларнинг махсус коржома, махсус оёқ кийими индивидуал химоя воситалари сут, совун, сифатли ичимлик сув билан вақтида таъминланишини назорат қилади. Комиссия истаган вақтида иш уринларини текшириши мумкин.

Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат инспектор хужаликнинг ҳар қайси бўлинмасида бир йил муддатга сайланади. У меҳнат қонунчилигига риоя қилинишини, инструктажнинг уз вақтида утказилишини назорат қилади, станоклар асбоб-ускуналар, химояловчи қурилмалар бузуқлигини аниқлаш, чиқиндиларни уз вақтида йиғиштириб олиниши, утиш жойлари ва иш уринларида тартибга риоя қилинишини назорат қилиб туриши зарур, шунингдек ишчилар махсус коржома, химояловчи воситалар, совун билан таъминланишини текшириб туриши зарур.

Корхоналарда касаба союз қошида меҳнат техникавий инспектори тайинланади. У меҳнат қонунчилиги бўйича ишларни касаба союзига қарашли корхоналарда назорат қилади. Бундан ташқари қурилган корхона ва хоналар унинг ижозатисиз фойдаланишга топширилади. Ҳамда давлат назорати инспекциялари билан алоқада бўлади. "Йўл ҳаракати қоидалари" га риоя қилишни Давлат автоинспекцияси назорат қилади.

Электр қурилмалар, электр тармоқлар, буғ қозонлари, электр станциялари, қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги кўтариш-тушириш техникалари ишлаши ва уларга хавфсиз хизмат кўрсатиш қоидалари риоя қилишни Давлат энергия назорати инспекцияси назорат қилади.

Давлат санитария назорати Республика соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахтсиз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат конунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари технологик

жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, каттик ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан характерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўғланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учкун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, каттик, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган цехлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган цехлар киради.

Ёнғин корхоналар, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, етказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахтсиз ҳодисаларга - заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойихалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинadиган ёнғин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнғиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнғин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва

тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1)хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2)ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3)корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4)ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- 5)ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;
- 6)ёнғин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;
- 7)ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- 8)технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- 9)белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;
- 10)технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;
- 11)хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- 12)ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;
- 13)кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

14)Технологик жараён ва унга боғлиқ, ишларнинг ёнғин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни бартараф этиш учун муҳим, аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

“Челак савдо сервис” МЧЖда фавкулотда ёнғин хавфсизлиги режимини ўрнатишда, ходимларни хавфсизлик тўғрисида эслатиб қўйиш ўта муҳим ҳисобланади.

Шунинг учун, “Челак савдо сервис” МЧЖда ходимлар учун эслатма тузилди ва унда ёнғин хавфсизлиги тўғрисида таклифлар ва ёнғин вақтида ўзини тутиш қоидалари кўрсатилади. 1-расмда “Челак савдо сервис” МЧЖда бажарилган эслатма шакли берилган.




Ҳурматли ходимлар!


Сизни ёнғин хавфсизлик қоидаларига
риоя этишингизни сўраймиз




Бино ва дўконда ёқилган сигарета (папирос)
чекишга рухсат этилмайди



Бино ва дўконда электр иситиш асбоблардан
(кофе қайнатгич, дазмол ва ҳ.к.) илтимос
фойдаланг



Бино ва дўкондан чиқаётганингизда,
телевизор, кондиционер, ёритгич
лампарани ўчиришни унутманг!



Ёнғин чиққанида албатта, зудлик
билан 01 телефониغا қўнғироқ қилинг.

“Челак савдо сервис” МЧЖ маъмурияти

2-Расм. “Челак савдо сервис” МЧЖ бажарилган эслатма шакли.

Ушбу эслатмани “Челак савдо сервис” МЧЖ бино ва дўконларида,
қўринадиган жойда ёки телевизор, совутгич устида қўйилади.

“Челак савдо сервис” МЧЖ етарли миқдорда ёнғин хавфсизлигини
таъминловчи, ёнғин учун жиҳозлар билан таъминланган бўлиш лозим.

Буларга: гидрантлар, махсус мослама, шланглар, брантеятлар, аланга
ўчиргич киради ва улар доимо шай ҳолатда бўлиши керак.

“Челак савдо сервис” МЧЖ бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш
учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ
моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр
ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам захарли ва
захарсиз турларига булинади. Шунинг учун корхона объектлари ва
майдонларини ёнғин ўчириш моддалари билан таъминлашда ва ёнғинни
ўчиришда бирор услубни қабул қилганда уларни ҳисобга олиш керак.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ва илмий-амалий аҳамиятга молик бир қанча таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. **Фойда** - бу мураккаб иқтисодий категориялардан бири ҳисобланади. У асосан қўшимча қийматни яратиш ва ишлатиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатларни ифодалайди.

2. **Рентабеллик** - корхоналар тижорат ҳисоби фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларидан биридир. Фойдалалик ишлаб чиқариш фаолиятининг маълум муддати (йил, чорак) давомида сердаромадлик (зарар келтирмаслик) хусусиятини англатади. У хўжалик фаолиятининг пировард натижаларини тўғри баҳолашга ва корхонадаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий манфаатдорлигини йўлга қўйишга имкон беради.

3. “Челак савдо сервис” МЧЖти 2013 йилни 43567,5 минг сўмлик фойда билан якунлаган. Бу эса корхона фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи ва рақобатбардошлигини оширувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади (10-жадвал).

4. “Челак савдо сервис” МЧЖ соф фойдаси 2010 йилдан 2013 йиллар мобайнида бир ўсиш ва бир камайиш тенденциясига эга. Ўсиш тенденцияси айниқса 2011 йилда 2010 йилга нисбатан 29,8 баробар ортиши кузатилган (11-жадвал).

5. 2013 йилда “Челак савдо сервис” МЧЖда натижалар бир мунча яхшиланган. Бу айниқса корхонанинг соф фойдаси миқдорини ўсганлиги билан тавсифланади. 2013 йилда соф фойда миқдори 2012 йилга нисбатан 12884,7 минг сўмга ортиб 43567,5 минг сўмни ташкил қилган. Бу кўрсаткич соф фойда миқдорини 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 142,0 фоизга ошганлигидан далолатдир. 2013 йилда “Челак савдо сервис” МЧЖда товар айланмасининг 5,6 фоизга ўсиши, яъни харажатларга нисбатан 0,2 фоиз

пунктга ортиқ ўсганлиги соф фойда миқдорини ортишига олиб келган. Соф фойда миқдорининг сезиларли равишда ошиши 2013 йилда “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг рентабеллик кўрсаткичларида ҳам ўз аксини топган. Агар 2012 йилда товар айланмаси рентабеллиги 1,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 0,4 пунктга ортган ёки 1,6 фоизни ташкил қилган. Бу ҳолатни харажатлар рентабеллигида ҳам кузатиш мумкин. 2013 йилда харажатлар рентабеллиги 1,6 фоизни ташкил қилган ва 2012 йилдаги даражасидан 0,4 пунктга ортган (12-жадвал).

6. Корхонада соф фойданинг 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 12884,7 минг сўмга кўпайиши натижасида асосий фондларнинг рентабеллиги 2012 йилдаги 27,4 % дан 2013 йилда 43,9 %га ёки 16,5 пунктга кўпайди. Айланма маблағлар рентабеллиги 2012 йилга нисбатан 2013 йилда 3,5 пунктга кўпайган. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларидан бири бўлган ҳар бир ходимга тўғри келаётган фойда миқдори ҳам таҳлил қилинаётган даврда бир мунча ортган. 2012 йилда ҳар бир ходимга 1534,1 минг сўм тўғри келган бўлса 2013 йилда 644,3 минг сўмга ортиб 2178,4 минг сўмни ташкил этган. Бу фоизда 142,0 фоизни ташкил этган. Умуман олганда, 2013 йилда фойда миқдорининг кескин ортганлиги нафақат умумхўжалик фаолияти рентабеллигига, балки асосий фондлар ва айланма маблағлар рентабеллигига ҳам ижобий таъсир кўрсатган. Шу билан бирга 2013 йилда фойданинг ортгани ходимларнинг ҳар бирига тўғри келаётган фойда миқдорини ҳам ошишига олиб келган. Бу кўрсаткичлардан “Челак савдо сервис” МЧЖда 2013 йилда мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда ижобий фаолият юритган деган ҳулосага келдик.

7. Бизнинг фикримизча, “Челак савдо сервис” МЧЖ да фойдани ошириш орқали фаолият самарадорлигини ошириш учун қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мавжуд савдо дўконларидаги товар қолдиқларини ўрганиб чиқиш ва товар сотишнинг прогрессив йўллари жорий қилиш;

- чакана савдо шахобчалари жойлашувини қайта кўриб чиқиш;
- аҳоли талабини ўрганиш асосида товарлар ассортиментини шакллантириш;
- асосий истеъмол моллари бўйича бозорларда кўчма савдони ташкил этиш;
- корхона бошқарувига бугунги кун замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, иқтисодий таҳлил усулларида фойдаланиб корхона бошқарув қарорларини қабул қилишда ёрдам бера оладиган билимли иқтисодчи мутахассисларни ва маркетингларни жалб қилиш;
- истеъмолчилар талабини чуқур ўрганиб, сўнгра товарларни келтириш;
- товарларни сақлаш шароитларини яхшилаш ва моддий жавобгарликни ошириш;
- доимий харидорларни шакллантириш ва кўпайтириш;
- савдо маданиятини ошириш ва унда савдо ходимларининг роли очиқ бериш;
- туман марказидан узоқ ва аҳолиси кам қишлоқларда **“кундалик эҳтиёж товарлари”** билан савдо қилиш масаласи ҳали ечилмаган. Бундай қишлоқлар аҳолисини махсус **“автомагазинлар”** орқали кундалик эҳтиёж товарлари билан таъминлаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, «Челак савдо сервис» МЧЖда фойдани ошириш ва рентабелликни таъминлашнинг ўрни мавжудлиги, аммо ушбу муаммонинг анча қисми ечилмаганлиги туфайли бажарилган ушбу иш нафақат назарий, балки муҳим аҳалий аҳамиятга эгадир. Умуман олганда, фойдани ошириш ва рентабелликни таъминлашнинг йўналишлари жуда кўп экан. Агар бизнинг илмий-назарий ва амалий тавсияларимиз «Челак савдо сервис» МЧЖда қўлланилса, ўйлаймизки фойда ва рентабеллик таҳлилини такомиллаштиришда, уларнинг фойдаси кўпайиши ва рентабеллигини таъминланишида қўл келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси: ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.:Ўзбекистон, 2008.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида, 1990 йил 31 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, 1991 йил 19 ноябрь.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, 1993 йил 6 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. – Т.: Адолат, 1996.
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни: Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида, 2000 йил 25 май.
7. Ўзбекистон Республикасининг қонуни: Хусусий корхона тўғрисида, 2003 йил 11 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги 2007 йил 21 майдаги ПҚ-640-сонли Қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда **“2012-2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”**ги ПҚ-1754-сонли Қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 17 апрелда **“2013-2016 йилларда кишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-1957-сонли Қарори
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низом
13. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2.-Т.:Ўзбекистон, 1996.
14. Каримов.И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
15. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.
16. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохатлар

стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январь.

17. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Иқтисод-молия”. I-қисм. 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри, 2010.

18. Абдукаримов Б. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар”, 2013.

19. Абдуллаев Ё., Иброҳимов А., Раҳимов М. Иқтисодий таҳлил.-Т.: “Меҳнат”, 2000

20. Борисов А.Б. Большой экономический словарь – М.: Книжный Мир, 1999.

21. Йўлдошев Н. Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДИУ. 2005.

22. Пардаев М.Қ, Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари. Монография. – Т.: “Фан ва технология”, 2007.

23. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011.

24. Раицкий К.А. «Экономика предприятия», Учебник, М.: ИНФРА-М, 1999.

25. Сариқов Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма.-Т.: “Шарқ” нашриёти, 1997.

26. Сребник Б.В. «Экономика торговли». Учебник, М.: «Высшая школа», 1989.

27. Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник.-М.: Издательско-торговая корпорация. “Дашков и К°”, 2008

28. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. 100 савол ва жавоб -Т.: “Меҳнат”, 2000.

29. Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: “Фан ва технология”, 2005

30. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: “Шарқ”, 2006.

31. Ўзбекистон Республикаси ииллик статистик тўплами. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси, 2012.

32. Торговля в Узбекистане (статистический сборник). – Т.: Государственный комитет Республики Узбекистан по статистике, 2012-2013.

33. Самарқанд вилояти Статистика Бош Бошқармаси маълумотлари

34. Пайарик тумани Статистика бўлими маълумотлари

35. “Челак савдо сервис” МЧЖ нинг молиявий ва статистик ҳисоботлари.

36. www.ziyonet.uz.

37. www.lex.uz.

38. www.stat.uz.

